

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Харид комиссияси раиси,
Спортни ривожлантириш
вазири ўринбосари

М.Исмаилов

2022 йил 17 июн



Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлиги Харид
комиссияси йиғилишининг
4-сонли БАЁНИ

2022 йил 17 июн

Тошкент ш.

Қатнашдилар:

М.Исмаилов

Спортни ривожлантириши вазири ўринбосари, Харид
комиссияси раиси

Харид комиссияси аъзолари:

Б.Маматназаров

Олимпия спорт турларини ривожлантириши
бошқармаси бошлиги;

Ш.Моминджанов

Оммавий спортни ривожлантириши бошқармаси
бошлиги;

М.Арзиқулов

Спорт-таълим ва илмий муассасалар билан
ишилаши бошқармаси бошлиги;

З.Гулямов

Молия-иктисодиёт бошқармаси
ўринбосари-боши ҳисобчи;

Ш.Каримов

Юридик бўлим бошлиги;

С.Юлдашев

Ишлар бўлими бошлиги;

С.Ахмадов

Давлат харидларини ташкил этиши бўлими бошлиги,
Харид комиссияси котиби (овоз берииш ҳуқуқисиз);

КУН ТАРТИБИ:

Спорт ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари қатнашчилари, ғолиб
ва совриндорларини тақдирлаш учун эсдалик совғаларини
харид қилиш натижалари тўғрисида

(Исмаилов, Маматназаров, Моминджанов, Арзиқулов, Гулямов, Каримов,
Юлдашев, Ахмадов)

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 11 апрелдаги
“Маҳаллаларда ёшларни оммавий спортга жалб қилишни янги босқичга олиб
чиқиши чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-201-сон қарорига мувофиқ
Спортни ривожлантириш вазирлиги томонидан 2022 йил 30 майда Спортни
ривожлантириш вазирлиги томонидан жорий йилда ўтказиладиган спорт
ва оммавий жисмоний тарбия тадбирлари қатнашчилари, ғолиб

ва совриндорларини тақдирлаш учун кепка электрон энг яхши таклифларни танлаб олиш асосида харид қилиш бўйича № 95830-лот рақами билан эълон жойлаштирилди.

Мазкур лот бўйича 2022 йил 6 июндаги энг яхши таклифларни танлаш савдосини ўтказиш бўйича давлат харидлари комиссиясининг электрон портали орқали шаклланган баённомага асосан эълон якунига кўра Комиссия аъзолари томонидан "ART PLATINUM TRADING FB" MCHJ корхонаси ғолиб деб топилганлигини инобатта олиб:

ҚАРОР ҚИЛИНДИ:

1. Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги 684-сонли Қонунининг 62-моддаси 3-бандига асосан комиссия баённомаси давлат харидлари электрон тизимиغا мухокама қилиш учун икки иш кунига жойлаштирилди. Икки иш куни давомида давлат харидлари электрон тизимиغا жойлаштирилган баённома бўйича хеч қандай эътиrozлар ёки қўшимча таклифлар келиб тушмаганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Давлат харидларини ташкил этиш бўлими (С.Ахмадов)га, юқоридагилардан келиб чиқиб ҳамда комиссия аъзоларининг 2022 йил 14 июндаги электрон баённомасига асосан ғолиб "ART PLATINUM TRADING FB" MCHJ корхонаси билан қонунчиликда ўрнатилган тартибда шартнома тузилсин.

Харид комиссияси аъзолари:

Б.Маматназаров

Ш.Моминджанов

X/c

З.Гулямов

Ш.Каримов

М.Арзиқулов

С.Юлдашев

Котиб:

С.Ахмадов

95830 - сонли лот бўйича
2/95830 -сонли ШАРТНОМА

Тошкент шаҳри

17 июндаги 2022 йил

Харид комиссиясининг (2022 йил 17 июндаги 4-сонли баённома) қарорига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Спортни ривожлантириш вазирлигининг, кейинги ўринларда “Буюртмачи” деб юритилади, Низоми асосида фаолият юритувчи вазир ўринбосари М.Исмаилов, бир томондан ва “Art Platinum Trading FB” МЧЖ, кейинги ўринларда “Ижрочи” деб юритилади, Устав асосида фаолият юритувчи директор Д.Полвонов иккинчи томондан, шунингдек, шартномада “томон” сифатида алоҳида ва биргаликда “томонлар” деб юритилади, ушбу шартномани қуида келтирилганлар бўйича туздилар:

I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1.1. “Ижрочи” ушбу шартноманинг ажralmas қисми бўлган иловага мувофиқ, “Товарлар”, миқдори ва техник тавсифларга тўлиқ мос келадиган “Товарлар”ни Тошкент шаҳри Абдулла Қодирий кўчаси, 2 уй манзилига етказиб бериш мажбуриятини олади, “Буюртмачи” эса ушбу шартномада белгиланган шартларда ва муддатларда товарларни қабул қилиш ва ҳақини тўлаш мажбуриятини олади.

II. ШАРТНОМАНИНГ УМУМИЙ МИҚДОРИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ТАРТИБИ

2.1. Мазкур шартнома бўйича “Ижрочи” томонидан етказиб бериладиган “Товар”нинг умумий миқдори, 15 фоиз қўшилган қиймат солиғи билан биргаликда қўшиб ҳисоблаганда 972 000 000.00 (тўққиз юз етмиш икки миллион) сўмни ташкил этади.

2.2. “Товарлар” учун ҳисоб-китоблар “Ижрочи”нинг банк ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиш орқали “Буюртмачи” томонидан амалга оширилади.

2.3. “Буюртмачи” ушбу шартнома имзоланган ва Молия вазирлиги Газначилигига рўйхатга олинган вақтдан бошлаб, 10 (үн) календар кун мобайнида шартнома умумий суммасининг 30 (үттиз) фоизи миқдорида “Ижрочи”га олдиндан тўловни амалга оширади.

2.4. Кейинги тўловлар “Буюртмачи” томонидан товар етказиб берилгандан ва шартноманинг 2.5. бандида белгиланган тегишли ҳужжатлар тақдим этилгандан сўнг 5 (беш) календарь кун ичида “Ижрочи”га тўлаб берилади.

2.5. “Товар”лар умумий миқдорининг қолган қисми “Ижрочи” томонидан тақдим этилган ҳисоб-фактуралари, “Товар”ларни қабул қилиш далолатномаларига мувофиқ, етказиб берилган товарлар учун тўловлар 5 (беш) календар кун ичида “Ижрочи” ҳисоб рақамига ўтказилади.

2.6. Тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш кафолати сифатида “Ижрочи” “Буюртмачи”нинг маҳсус ҳисоб рақамига мазкур шартнома тузилганидан 5 (беш) банк иш кунидан кечикмасдан пул маблағлари кўринишидаги “Товар” умумий суммасининг 3 (уч) фоизи миқдоридаги кафолат суммасини ўтказиш ёки хизмат кўрсатувчи банк кафолатини бериши мажбуриятини таъминлаши шарт.

Мазкур таъминлаш мажбурияти бажарилмаган тақдирда “Буюртмачи” шартноманинг 2.4. ва 2.5. бандларида белгиланган муддат ўтганидан қатъий назар олдиндан толовни ёки навбатдаги тўловни амалга оширмасликга ҳақли.

2.7. Тузилган шартнома бўйича мажбуриятларни бажариш кафолати берилмаган тақдирда, “Буюртмачи” ушбу шартноманинг 2.6. банди бўйича шартлар бажарилгунга кадар “Ижрочи” олдиндан тўловни амалга оширмаслик ҳукуқига эга.

Кафолат миқдори “Ижрочи”га ушбу шартнома шартларига мувофиқ миқдор ва сифат бўйича “товарлар” тўлиқ етказиб берилганлигини тасдиқловчи ҳужжатлар “Ижрочи” томонидан тақдим этилганидан кейин қайтарилади.

2.8. “Ижрочи” ушбу шартномани имзолаш орқали кафолат суммаси қайтарилиган пайтда кафолат миқдоридан пеня, жарима тўловлари ва “Буюртмачи”га етказилган зарар миқдорининг ушлаб қолиниши бўйича “Буюртмачи” сўзсиз хукуқга эга эканлигини ўз розилиги билан тасдиқлайди.

Шунингдек, ижрочи шартнома шартларини тўлиқ бажармагандан, буюртмачи томонидан унга нисбатан мазкур шартномага мувофиқ ҳисобланадиган неустойкалар (жарима, пеня) ижрочини ёзма равишда огохлантириб, шартноманинг умумий суммасидан ушлаб қолинади.

III. ТОВАРЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ МУДДАТИ ВА ТАРТИБИ

3.1. “Ижрочи” аванс маблағлари (олдиндан тўлов) унинг ҳисоб рақамига тушган пайтдан бошлаб товарларни етказиб беришни бошлаш мажбуриятини олади.

Шунингдек, “Ижрочи” ушбу шартнома шартларига мувофиқ шартнома имзоланган пайтдан бошлаб “Товар”ни етказиб беришни бошлаш хукуқига эга.

3.2. “Товар”ларни етказиб бериш - олдиндан тўлов тўлаб берилган кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун ичida амалга оширилади. Товарни етказиб беришнинг сўнгги муддати 30-(ўзттизинчи) кун ҳисобланади.

3.3. “Ижрочи” “Буюртмачи”ни товарни етказиб беришга тайёрлиги тўғрисида камида 5 (беш) календар кун олдин хабардор қиласи.

3.4. “Товар”ларни “Буюртмачи”га етказиб бериш (транспорт ва бошқалар орқали) “Ижрочи”нинг маблағлари ҳисобидан белгиланган манзилга олиб бориш орқали амалга оширилади.

IV. ТОВАР СИФАТИ ВА КАФОЛАТИ

4.1. “Ижрочи” етказиб берилаётган товарларнинг харид хужжатларида белгиланган техник стандарт ва шартларга ҳамда мазкур шартнома шартларигага мос келишини кафолатлади.

4.2. Товарнинг сифати ҳамда миқдори шартноманинг 5.2. бандига мувофиқ “Товар”ни етказиб бериш манзилида текширилади ва қабул қилиб олиниади.

4.3. “Ижрочи” шартномада келишилган товарлар учун 12 (ўн икки) ойлик кафолат муддатини тақдим этади. Кафолат муддатининг ўтиши товар қабул қилинган кундан бошлаб ҳисобланади.

4.4. Кафолат хизмати “Ижрочи” мутахассисининг товарнинг ўрнатилган (етказиб берилган) жойида алмаштириш ёки таъмиrlаш йўли билан амалга оширилиши керак. Етказиб берилган товарнинг кафолат муддати давомида нуқсони ёки носозлиги келиб чиққанда, “Ижрочи” 15 (ўн беш) кундан ортиқ бўлмаган муддатда уни алмаштириш ёки таъмиrlаш мажбуриятини олади. “Ижрочи” “Буюртмачи”га республика ҳудудларига етказиб берилган товарларнинг кафолат хизматини бажарадиган ташкилий тузилмасини тақдим этиши керак.

“Ижрочи” кафолат муддати давомида товарларни алмаштириш ёки таъмиrlаш мажбуриятини бажармаса, товар миқдорига тенг зарар пулини қоплаб беради.

4.5. “Ижрочи”нинг ушбу Шартномада назарда тутилган кафолат мажбурияти харидор томонидан товарни нотўғри ишлатиш натижасида келиб чиқадиган нуқсонларга нисбатан кўлланилмайди.

V. ТОВАРЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ

5.1. “Товар”ни қабул қилиш - “Буюртмачи”нинг “Ижрочи” вакиллари иштирокида тузилган қабул комиссияси томонидан шартномада “Товар”га қўйилган талаблар доирасида амалга оширилади.

5.2. “Товар”ни қабул қилиб олиш натижалари бўйича товарларни қабул қилиш топшириш далолатномаси расмийлаштирилади. Етказиб берилган товарларнинг ушбу шартнома шартларига мувофиқ эмаслиги аниqlанган тақдирда, камчиликларни бартараф этиш тўғрисидаги далолатнома расмийлаштирилади ҳамда дархол “Ижрочи”га тақдим этилади.

“Ижрочи”нинг айби билан етказиб бериш вақтида “Товар”нинг бузилиши ёки йўқолиши учун “Ижрочи” жавобгар бўлади. Йўқотилган ёки бузилган “Товар”лар етказиб берувчининг ўрнига янги маҳсулотни тақдим этиши орқали ўз ҳисобидан қопланади.

5.3. “Ижрочи” аниқланган камчиликларни далолатномани олган кундан бошлаб 10 (ўн) кун ичида ўз маблағлари ҳисобидан бартараф этишга мажбурдир. “Товар”ларни кабул қилиб олиш муддати қабул қилиб олиш тўғрисидаги ёки камчиликлар бартараф этилганлиги тўғрисидаги далолатномага асосан юборилган ҳисоб-фактуралари асосида аниқланади.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

6.1. “Ижрочи” мажбур:

- ушбу шартнома имзоланган кундан бошлаб 5 (беш) банк куни ичида “Буюртмачи”нинг ҳисоб рақамига “Товар” умумий суммасининг 3 (уч) фоизи микдорида кафолат суммасини ўтказишга ёки хизмат кўрсатувчи банк кафолатини беришга;
- “Буюртмачи”ни товарни етказиб беришга тайёрлиги тўғрисида камидаги 5 (беш) календар кун олдин хабардор қилишга;
- “Буюртмачи”га “Товар”ни ушбу шартномада белгиланган шартларда ва муддатларда етказиб беришга;
- агар “Товар”ни етказиб бериш жараёнида белгиланган намуна дагидан ва ушбу шартнома шартларида белгиланган талаблардан чекинишга йўл кўйган бўлса, “Буюртмачи”нинг талабига биноан 10 кунлик муддат ичида аниқланган барча камчиликларни бепул бартараф этишга;
- товарни қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳужжатлар билан тақдим этишга;
- “Товар”нинг ундан фойдаланиш ва сақлаш вақтида техник шартларга мувофиқлигини кафолатлашга ва кафолат муддати давомида “Буюртмачи” томонидан аниқланган камчиликли маҳсулотларнинг нуқсонини бартараф этишга ва барча харажатларни ўз зиммасига олишга.
- шартномани бажарилиши билан боғлиқ жараёнларда коррупцияга йўл кўймаслик ва томонларнинг ички ишларига аралашмасликка;
- ушбу шартномада белгиланган товарларнинг ўз муддатида ва тегишли техник стандартлар асосида етказиб берилишини мониторинг қилишда “Буюртмачи”га тўскинлик қилмасликка;
- ушбу шартномада кўрсатилган шартнома мажбуриятларини бажаришга.

6.2. “Буюртмачи”:

- ушбу шартномада белгиланган муддатларда етказиб берилган товарларни қабул қилиш ва ўз вақтида тўловларни амалга ошириш;
- шартномани бажарилиши билан боғлиқ жараёнларда коррупцияга йўл кўймаслик ва томонларнинг ички ишларига аралашмаслик мажбуриятини олади.

VII. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ҚЎШИМЧА ШАРТЛАР

7.1. Тарафлар шартнома тузишида, шартноманинг амал қилиш муддатида ва ушбу муддат тугаганидан сўнг, шартнома билан боғлиқ коррупциявий ҳаракатлар содир қилмасликка келишиб оладилар.

7.2. Тарафлар шартномадаги коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган коррупциянинг олдини олиш чораларини тан олади ва уларга риоя этилиши бўйича ҳамкорликни таъминлайдилар.

7.3. Ҳар бир тараф шартнома тузилган пайтда бевосита ўзи ёки унинг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан шартнома билан боғлиқ муносабатлар юзасидан қонунга хилоф равишида пул, моддий қийматликлар берилмаганлигини, шартнома тузилиши эвазига норасмий пул ёки бошқа моддий қийматликлар олинишига йўл қўйилмаганлигини, таклиф этилмаганлигини, уларни беришга ваъда қилинмаганлигини, шунингдек моддий ёки ҳар қандай турдааги имтиёз, устунликлар олинмаганлигини (келажакда бу турдаги ҳаракатларни амалга ошириши мумкинлиги ҳақида таассурот қолдирилмаганлигини) кафолатлайди. Тарафлар, улар

томонидан шартнома доирасида жалб қилинган шахсларнинг (ёрдамчи пурратчи ташкилотлар, агентлар ва тарафлар назорати остидаги бошқа шахсларнинг) юқоридаги ҳаракатларни содир этмаслиги юзасидан оқилона чоралар кўради.

7.4. Тарафлар давлат хизматчилари, сиёсий партиялар, шунингдек ўзларининг ижроия органлари, мансабдор шахслари ва ходимлари томонидан ҳар қандай вақт ва шаклда қўйидаги ҳаракатларни бевосита ёки билвосита (шу жумладан, учинчи шахслар орқали) содир этилишига йўл кўймайди: а) назорат қилувчи органлардан лицензия ва рухсатномалар олиш, солик солиш, божхона расмийлаштирувани амалга ошириш, судда иш кўрилиши, қонунчилик жараёни ва бошқа соҳаларда қонунга хилоф равишда тижорат ёки бошқа тусдаги устунликка эга бўлиш ёки сақлаб қолиш мақсадида юқоридаги шахслар фойдасига ёки улар томонидан моддий ёки номоддий наф олишнинг таклиф этилиши, ваъда қилиниши, берилишига; б) қонунга хилоф равишда олинган даромадларнинг легаллаштирилишига, шунингдек, агар мулк жиноий фаолиятдан олинган даромад эканлиги тарафларга маълум бўлса, уни ўтказиш, мулкка айлантириш, ёхуд алмаштириш йўли билан унинг келиб чиқишига қонуний тус бериш, бундай пул маблағлари ёки бошқа мол-мулкнинг асл хусусиятини, манбани, турган жойини тасарруф этиш, кўчириш усулини, пул маблағларига ёки бошқа мол-мулкка бўлган ҳақиқий эгалик ҳукуқларини ёки унинг кимга қарашлилигини яширишга; в) коррупцияга оид ҳукуқбузарлик содир қилиш учун таъмагирлик қилиш, ундаш, тазийк ўтказиш ёки таҳдид қилиш. Ушбу ҳолат бўйича бир тараф иккинчи тарафни ҳамда ваколатли давлат органларини дарҳол хабардор қилиши шарт.

7.5. Тарафлар товарлар, ишлар ва хизматларни реализация қилиш ва ўтказиша битимлар тузиш бўйича музокаралар олиб боришида, лицензия, рухсатномалар ва бошқа рухсат этиш хусусиятига эга бўлган хужжатларни олишда ёки уларнинг манфаатларини кўзлаб бошқа ҳаракатларни амалга оширувчи тарафларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиласиган шахсларга (шу жумладан, ёрдамчи пурратчилар, агентлар, савдо вакиллари, дистрибьюторлар, ҳукуқшунослар, ҳисобчилар, улар номидан ҳаракат қилувчи бошқа вакилларларга) нисбатан қўйидааги ҳаракатларни амалга оширишлари шарт: - коррупциявий ҳаракатларга йўл кўйиб бўлмаслиги ва коррупциявий ҳаракатларга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиши шартлиги ҳақида кўрсатмалар ва тушунтиришлар бериш; - улардан коррупциявий ҳаракатларни амалга ошириш учун воситачи сифатида фойдаланмаслик; - уларни факат тарафларнинг оддий кундалик фаолияти жараёнидаги ишлаб чиқариш зарурати доирасидан келиб чиқиб ишга жалб қилиш; - уларга қонунчилик доирасида амалга оширган хизматлари учун белгиланган ҳақ миқдоридан асоссиз равишда ортиқча тўловларни амалга оширмаслик.

7.6. Тарафлар уларнинг назорати остида бўлган ва улар номидан ҳаракат қиласиган шахслар томонидан коррупцияга қарши қўшимча шартларда белгиланган мажбуриятлар бузилганилиги ҳолатлари ҳақида хабар берилганилиги учун уларга тазийк ўтказилмаслигини кафолатлайдилар.

7.7. Агар бир тарафга бошқа тарафнинг коррупцияга қарши қўшимча шартларнинг 7.4- ва 7.5-бандларида белгиланган мажбуриятларни бузилишига йўл кўйилганлиги маълум бўлиб қолса, иккинчи тарафни бу ҳақда зудлик билан хабардор қилиши ва ушбу тарафдан оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилишини ва амалга оширилган ишлар юзасидан унга хабардор қилишини талаб қилиши шарт. Тарафнинг талаби бўйича иккинчи тараф томонидан қоидабузарликларни бартараф қилиш бўйича оқилона муддат ичидаги тегишли чоралар кўрилмаган ёки кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабардор қилмаган тақдирда, ушбу тараф зарарни тўлиқ қоплаб беришни талаб қилишга ҳақли.

VIII. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ ВА НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. “Ижрочи” товарларни етказиб беришни кечикитирса ёки умуман етказиб бермаса, ҳар бир кечикирилган кун учун мажбуриятнинг бажарилмаган қисми миқдорининг 0,5 % (фоизи) миқдорида пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий миқдори

мажбуриятларнинг бажарилмаган қисмининг 50 % (фоизи) дан ошмаслиги керак. Пеня тўловларини тўлаш шартномавий мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

7.2. Агар етказиб берилган товарлар стандартларга, техник шартларга, харид савдоларида тақдим этилган наъмуналарга, сифат, ассортимент, нави жиҳатидан, қонунчиликда ёки ушбу шартномада ўрнатилган бошқа мажбурий шартларга жавоб бермаса, “Буюртмачи” “Товар”ни қабул қилишни ва ҳақини тўлашни рад қилишга ҳақли, бундай ҳолатда “Ижрочи” “Буюртмачи” га рад этилган товарлар қийматининг 20% миқдорида жарима тўлайди ва товарни харид савдоларида тақдим этилган намуналар ва сифат бўйича бошқа мажбурий шартларга жавоб берадиган товарга алмаштириши керак.

7.3. “Буюртмачи” етказиб берилган товарлар учун тўловни ўз вақтида амалга оширмаса, “Ижрочи”га кечиктирилган тўловнинг ҳар бир куни учун 0,4 % миқдорида пеня тўлайди, лекин пеня миқдори кечиктирилган тўлов суммасининг 50 % дан кўп бўлмаслиги лозим.

7.4. Ушбу шартномада назарда тутилган пеня ва жарима санкцияларидан ташқари, “Ижрочи”нинг шартномада белгиланган мажбуриятлари бажарилмаслиги оқибати шартнома бекор қилинганда ёки “Товар”ни етказиб бериш муддати бир ойга кечиктирилганда кафолат суммаси “Ижрочи”га қайтарилмайди.

7.5. Етказиб берилган “Товар” учун бюджетдан маблағлар ўз вақтида ажратилмаганлиги сабабли ўз вақтида тўланмаслиги учун “Буюртмачи” жавобгар бўлмайди.

7.6. Ушбу шартнома ёки у билан боғлиқ ҳолда юзага келиши мумкин бўлган барча низолар ва келишмовчиликлар томонлар ўртасида музокаралар йўли билан ҳал этилади.

7.7. Агар томонлар ўзаро келишувга келишмаса, шартнома бўйича келиб чиқадиган барча низолар Тошкент туманлараро иқтисодий судида кўриб чиқилишига келишдилар.

IX. ФАВҚУЛОТДА ВАЗИЯТЛАР

8.1. Ушбу шартномага асосан мажбуриятларни бажарилмаслиги ҳолатлари енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар натижасида вужудга қелганда томонлар ўз мажбуриятларини бажармасликдан қисман ёки тўлиқ озод бўладилар.

8.2 Енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатларига томонларнинг иродаси ва фаолиятига боғлиқ бўлмаган табиат ҳодисалари (зилзила, кўчки, бўрон, қурғоқчилик ва бошқалар) ёки ижтимоий-иктисодий ҳолатлар (уруш ҳолати, қамал, давлат манфаатларини кўзлаб импорт ва экспортни тақиқлаш ва бошқалар) сабабли юзага келган шароитларда томонларга қабул қилинган мажбуриятларни бажариш имконини бермайдиган фавқулодда, олдини олиб бўлмайдиган ва томонлардан бирининг мажбуриятларини бажарилишига таъсир қилувчи кутилмаган ҳолатлар киради.

8.3. Томонлар фавқулотда вазиятлар ва уларнинг йўқотишларини тасдиқловчи ҳужжатларни талаб қилиши мумкин. Тегишли ваколатли орган томонидан берилган тегишли ҳужжат форс-мажор ҳолатларининг мавжудлиги ва давомийлигини етарли даражада тасдиқлайди.

8.4 Шартнома томонларидан қайси бири учун мажбуриятларни енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлари сабабли бажармаслик маълум бўлса, дарҳол иккинчи томонга бу хақда 10 кун ичida ушбу ҳолатлар ҳаракати сабабини далиллар билан тақдим этиши лозим.

8.5. Шартномага асосан мажбуриятларни ижро қилиш муддати ушбу енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) ҳолатлар давом этиши муддатига қадар узайтирилади. Агар енгиб бўлмайдиган кучлар (форс-мажор) таъсири 60 кундан ортикроқ давом қилса, томонлар ташаббусига биноан шартнома бекор қилиниши мумкин.

X. ШАРТНОМАНИНГ БОШҚА ШАРТЛАРИ

9.1. Ушбу шартнома имзоланган ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги томонидан рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2022 йил 31 декабргача амал қиласи.

9.2. Агар бир томон шартнома шартларини жиддий равища бузган бўлса, ушбу шартнома томонларнинг келишуви билан ёки томонларнинг бирининг талабига биноан бир томонлама тартибда бекор қилиниши мумкин.

Шартнома шартларини жиддий равища бузиш деб маҳсулотларни етказиб бериш учун белгиланган муддатни бир ойдан ортиқ муддатга бузилиши ҳамда умумий товарнинг 20 %дан ортигини белгиланган техник талабларга жавоб бермайдиган ҳолатда топшириш ҳисобланади.

9.3. Бир тараф шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги таклифга иккинчи тарафдан рад жавоби олганидан кейингина ёки таклиф юборилганидан кейинги 5 (беш) кунлик муддатда жавоб олмаганидан кейин, шартномани ўзгартириш ёки бекор қилиш ҳақидаги талабни судга тақдим этиши мумкин.

9.4. Ҳеч бир томон ушбу Шартнома бўйича ўз хуқуқ ва мажбуриятларини бошка томоннинг олдиндан ёзма розилигисиз учинчи шахсларга ўтказишга ҳақли эмас.

9.5. Ушбу шартномада назарда тутилмаган ҳолатлар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунчилик хужжатлари билан тартибга солинади.

9.6. Ушбу шартномага киритилган ҳар қандай ўзгартириш, қўшимчалар ва иловалар фақат ёзма равища тузилган ва ҳар икки томон томонидан имзоланган ва мухрланган тақдирда ҳақиқий ҳисобланади.

9.7. Ушбу шартнома иккита ҳақиқий нусхада тузилган.

ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ:

“БУЮРТМАЧИ”

Манзил: 100017. Тошкент шаҳри Абдулла
Қодирий кўчаси, Уй 2
Х/р: 2340 2000 3001 0000 1010
Кафолат маблағларини қабул қилиш маҳсус
х/р: 100010860262667083100135039
Банк: Марказий банк Бош бошқармаси
Тошкент ш.
МФО: 00014 ИНН, СТИР: 201 122 919
ОКЭД:
Тел:



Вазир ўринбосари _____ М.Исмаилов

“ИЖРОЧИ”

Манзил: Сирдарё вилояти Сирдарё тумани,
Чўлтўқай ҚФЙ, Зиёкор шаҳарчаси ҳудудида
Х/р: 20208000405197570001
Банк: Тошкент ш. “Ўзсаноатқурилишбанк”
АТБ Бош офици
МФО: 00440, СТИР: 307235058
ОКЭД:
Тел:



Директор _____ Д.Полвонов

S.I. N. ✓

2022 йил «__» июндаи
-сонни шартномага
илюва

Етказиб бериладиган маҳсулотнинг техник тавсилоти

T/p	Махсулот номи	Ўл.бир.	Микдори маҳсулот нархи (КҚС билан)	Бир бирлик маҳсулот нархи (КҚС билан)	Жами суммаси (КҚС билан)	Техник тавсилоти (рус тилидаги матнда)
1.	Кепка	дона	30 000	32 400	972 000 000	<p>Состав ткани: 30% синтетика, 70% хлопок. Размеры: с 52 по 66.</p> <p>Прочный изогнутый козырек, края отверстий обметаны нитками, пуговица сверху обтянута тканью, металлическая застёжка.</p> <p>Регулировка размеров с 52 по 66. Идеально подходит для нанесения логотипа. В центре кепки разместить логотип Министерства развития спорта вышивкой. Рекомендуется как средство индивидуальной защиты головы от солнца и солнечных ударов.</p> <p>Цвет белый, козырек синий. Логотип ткан стиль (вышивка)</p> <p>Узбекский флаг спускается на вершину казарки и по бокам кепка.</p>



Буюргани:
М.Исмайлов



Ижрони:
ART
PLATINUM
TRADING FZ

Д.Поллонов